

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 21 май пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 101 (1882)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



ЧОРШАНБА
ХАБАРЛАРИ

ТАДБИРКОРЛИК

МАРҲАМАТГА МАРҲАМАТ

Ҳадемай сарватин ва сифатли консерва ишқибозлари Марҳамат туманига гурус-гурус кела бошлади табиий. Негаки, бу ердаги «Марҳамат» вино-консерва корхонаси бир йилда 25 миң тонна сабзавот, мева ва узумни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона тўла қувват билан ишга тушган, 500 дан кўпроқ киши доимий меҳнат билан таъминланади.

Бу ерда маҳсулотларни сақлаш технологияси ҳам яхши йўлга қўйилган. Италиядан келтирилган махсус пластмасса идиш маҳсулотларнинг оҳорини тўқмайди. Шу боис узумни йил-йил икки ой давомида қайта ишлаш мумкин. Тайёр маҳсулотларнинг этикеткаси ҳам кишининг ҳавасини келтиради.

ХУШХАБАР

ЎЗБЕКИСТОН—ФУТБОЛ МАМЛАКАТИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси ОФК (Осиё футбол конфедерацияси) ижроқўми аъзоси бўлди! ОФКнинг Малайзияда ўтказилган конгрессида бир овоздан ана шундай қарор қабул қилинди.

Албатта, бу ишонч беҳудага эмас. Чунки мамлакатимизда футболни тарғиб қилиш ва уни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш учун кўп иш қилинди. Ҳатто ОФК ва жаҳон футбол федерацияси мутахассислари бу соҳада олиб борилаётган ишларимизга, жумладан спорт иншоотларимизга, футбол майдонларимизга юқори баҳо берганлиги ҳам рост.

Қолаверса, футбол мутахассислари ҳам, мухлислари ҳам Хиросимада ўтган Осиё ўйинларида футбол бўйича Ўзбекистон терма командасининг голли бўлганини ҳали унутганларича йўқ.

ТАКЛИФ

«ТИТАНИК»НИ КЎРИШНИ ХОҲЛАЙМАН

Маълумки, XX аср бошида, аниқроғи, 1912 йилда Буюк Британиядан Америкага йўл олган машҳур «Титаник» кемаси айсбергларга урилиб, ҳалокатга учрайди. Ўз вақтида бу ҳалокат катта шов-шувга айланган, газета ва журналлар, радио ва телевидение мунтазам бонг урди. Юзлаб одамларнинг фожиаи қисмати ҳақида ҳатто фильмлар яратилди.

Яқинда Америка кино усталари «Титаник» фильмининг янги нусхасини яратдилар. Ҳатто жасоатчилик томонидан яхши қабул қилинди. Ҳатто бу кино асарини жаҳондаги энг яхши фильм ва фильм ижодкорлари учун қўйилган 14 та «Оскар»нинг 11 тасини қўлга киритди. Яқинда ушбу телевидениедан ҳам бир марта кўрсатишди. Томошабинлар ҳам бу «Титаник»дан ҳайратга тушганлари рост.

— Мен ушбу фильми Ўзбекистон телевидениесида ўзбек тилида кўришни хоҳлайман, — деб ёзади навоийлик Х.Эралиев. — Дунёда шов-шув бўлган санъат асарини ўзбек тилига ўзириб, телевидениеда кўрсатиш, экранларга чиқариш тезроқ бўлса.

ҲОДИСА

БАНК КЎРИҚЧИСИГА ХУЖУМ

Бухорода «Фалон банк кўриқчисига ҳужум қилини, унинг тўппончасини олиб кетишибди, фалон миллион сўм пул ўғирлашибди» деган гаплар пайдо бўлди, — деб хабарлайди Миллий ахборот агентлиги мухбири Илҳом Сафар. — Биз бу миш-мишларнинг ҳақиқатга қанчалик яқинлигини билиш мақсадида Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги С.Нурматов билан учрашдик.

— Шундай ҳодиса ҳақиқатан ҳам рўй берди, — деди С.Нурматов. — Вилоят акциядорлик тижорат саноат қўрилиш банки соқчис, милиция катта сержанти Улугбек Мирзаева иш жойида оғир тан жароҳати етказилиб, тўппончаси олиб кетилган. Лекин банкдан пул ўғирланмаган. Жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги хабар олингани билан вилоят прокурори раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузилди. Жиноятнинг ўзига хошлиги, қурола ишлатилиши мумкинлиги ишобатга олиниб, қидирув эълон қилинди. Қисқа муддат ичида Бухоро шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 35 ёшлар чамасидаги шахс қўлга олинди. Олиб кетилган тўппонча унинг уйдан чиқди. Хайрият, ишлатилмаган экан.

Бухоро вилояти прокуратурасидан маълум қилишларича, дастлабки терговдаёқ гумдондор айбини бўйича олган.

Телефонларимиз: 133-15-22, 136-35-60
133-07-48, 136-37-85

Соат миллиарини ЖЎШҚИН тайёрлади.



Бугун Ховос туманидаги «Нихол» ширкатлар уюшмаси галлазорларига боққан кишининг кўнгли яйрайди. Бир текис унган экинлар қалин ва сербошоқ. Айниқса, уюшманинг 126 гектар майдонида деҳқончилик қилаётган Раҳимжон Каримов бошлиқ бригадасида бу йил ҳосил мўл бўладиган. Бригада аъзолари режадаги 30 центнер ўрнига 40 ни қўзлаб туришибди.

СУРАТЛАРДА: бригадир Р. Каримов (чапда) ва уюшма бош ҳосилоти А. Облоназаров.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

МАҲАЛЛАГА — «ТИКО» МАШИНАСИ

Жижвах вилоятда маҳаллалар ишини янада ривожлантириш, уларни ободлантиришга катта эътибор берилмаётган. Зеро, юрт тинчлиги, турмушимиз осойишталигини таъминлашда, аҳолининг, айниқса ёшларнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар рўйида тарбиялашда маҳаллаларнинг ўрни беқийёсдир. Жумладан, ҳозир Жижвах шаҳрининг ўзидан 32 та маҳалла фуқаролари йигини фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда 17 маҳаллада шарқона гузарлар қурилиб, маданий-маърифий тарбия ўчоғига айлангандир. Қуни кеча Раваллик маҳалласида яна бир гузар очилди. У вилоятдаги гузарлар орасида энг широйли ва кўрамини деб топилган, маҳаллага «Тико» автомашинаси топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш. Мирзаев қўшти.

Ҳўлчи Жўра, ЎЗА мухбири.

ГАЛЛА ЎРИМ-ЙИГИМИГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд вилояти фаолларининг галла ўрим-йигими мавсумини уюшқоқлик билан ва сифатли ўтказишга бағишланган йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими А. Мардиев бошқарди.

Йиғилишда бу йил вилоят бўйича тўрт юз миң тоннадан кўпроқ галла еттиштириш, шундан қарийб 220 миң тоннасини давлат қабул пунктларига топшириш режалаштирилган. Галлазорларда шунга яраша ҳосил пишиб етишмоқда. Ўрим-йигимга пухта ҳозирлик қилиш бугунги кундаги энг долзарб вазифадир. Бунинг учун, аввало, ўрим комбайнлари ва бошқа техника воситаларини ишлаш ҳола келтириш, ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олишни ташкил

этиш масалаларини ҳал этиш лозим. Лекин ҳамма жойда ҳам бу ишга жиҳдий эътибор берилмаётган. Йиғилишда маъсумини намунали ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиленди.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

АЁЛЛАР, ЁШЛАР ВА ЖАМИЯТ

Гулистонда республика Хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» жамғармаси, халқроқ Конрад Аденовур фонди ташаббуси билан ана шу мавзуда икки кунлик семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Йиғилишда мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини қўлайтириш, ёшларга ҳар томонлама пухта билим бериш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар рўйида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилоётгани таъкидланди. Сўзга чиққанлар аёл

лар ва ёшларнинг жамият ҳаётида жамоат ишларида фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга кенгроқ жалб этиш, касб маҳоратини ошириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

Семинарда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғулмонова сўзга чиқди.

Ф. НОРМАТОВ, ЎЗА мухбири.

МАЪМУРЧИЛИК МАНБАИ

БИР ҚАРИЧ ЕР

У ўзининг елкасида жамики тирик мавжудотни кўтарибгина қолмай, боқади, кийинтиради



қилиш билан бирга ўша дов-дараклар остидаги ерда йил бўйи мева берадиган қулпунай, тоғ зираси, ошқўкат, сабзи, пивз еттиштирмоқда. Эҳтиёждан ортиганини бозорга чиқариб, мўмай даромад олмақда.

БИЗНИНГ ШАРҲ: виллоят деҳқонлари йил давомида ўзларига ажратиб берилган томорқаларда 24.982 тонна картошка, 18.636 тонна қовун, 21.150 тонна тарвуз тайёрлаб истеъмолчиларга етказиб бердилар.

Дала академиклиги деб ном қозонган Умонали ота Қурбонов Андижон туманидаги Оқунобоев номи жамоа ҳўжалигида пленка остида эртани сабзавот маҳсулотлари еттиштиришни виллоятда биринчилардан бўлиб қўлади ва аввалги йиллардагига нисбатан икки баробар кўп ҳосил олди. Даромади ҳам шунга яраша. Мухуми, иссиқхонадаги қимматбахо ҳосилга кўз тикан шаҳарликлар энди ошқ далада еттиштирилган арзон баҳодаги шифобахш неъматдан баҳраманд бўла бошладилар.

БИЗНИНГ ШАРҲ: ўтган йили андижонликлар ўз томорқаларида, ховлиларида 445.350 тонна сабзавот, жумладан, 97.006 тонна қарам, 26.753 тонна бодиринг, 143.861 тонна помидор, 50.912 тонна пивз еттиштирдилар.

Тайрифли олмас-қилсаларга кетган Уганининг девизига гуручи бугун шол-қорларнинг сай-ҳаракати, омил-корлиги билан Андижонда ҳам еттиштирилмоқда. Пахтазорлардаги далададан ўтган Тентаксоннинг қум-шағалдан иборат қирғоқларда, Қорадарё бўйларида, Ан-

дижонсой, Мойлисой соҳилларида деҳқонлар тошдан тур ундирмоқда. Андижон туманидаги Орол қишлоғида истикомат қилувчи Мирзажон Ашуров етакчилигида тўлаётган оилавий деҳқон-фермерлар Тентаксоннинг асрлар оша қаровсиз ётган қум-шағалли паст-баландликларини текислаб, шолни сочилиди. Инсон меҳрига ташна бўлган тошлоқ ерлар тиниб-тинчмас деҳқонлардан саховатини аямасди.

БИЗНИНГ ШАРҲ: Мирзажон акага ўхшаш тадбиркор инсонлар ўз тасарруфидоги 3542 гектар шол майдонидан 35 центнердан, жами 12.590 тонна сара дон, 700 тонна мош, 247 тонна нўхат, 653 тонна ловия ҳосили олишга эришдилар.

Асака ва Марҳамат туманларида олиб борувчи кенг ва равоқ йўллاردан юрган кишининг кўзи йўлга қирғоқларидоги аҳолийн уюш-зорларга тушади. Одатда акам-дукам дов-дарак ўсадиган, қўнлар эътиборидан четда қолган қишлоқ йўлқилари бугун омилкор деҳқонга тонналар мева инъом этмоқда.

— Ҳар биримизга йигирма метрдан йўлак тўғри келади, — дея ҳўжоя қилади Нибёзотир қишлоғида яшовчи Саидзамин ака Назиров. — Қўнларим билан маслаҳатлашиб ҳўсайин уюм парварийлаймиш. Йилга кам деганда бир тоннадан ошириб новотранг уюм оламиз. Килосини эс сўмдан сотган тадбиримизда ҳам озмунча даромад қўрмаймиз.

БИЗНИНГ ШАРҲ: умуман, виллоятдаги 340.723 хонадон эгаги 45.181 гектарни ташкил этган томорқанинг 2.843 гектардан

ортиқ майдонида узумнинг ўнлаб хилларини парвариш қилишди. Асакалик миришкорлар ўртача 21, марҳаматликлар 19 миң сўмдан соф даромад олдилар.

Биз юқоридога ўзига ишониб топширилган ерлардангина эмас, балки қўнлар назарига тушмаган, қаровсиз ётган жойлардан ботмонлаб ҳосил олаётган ва шу йўл билан маъмурчиликка салмоқли улуш қўшаётган, айни пайтда ўз оиласи иктисодини мустақамлаётган аҳолийн инсонлардан айрилари ҳақида сўз юритдик. Ҳа, қанча кўп меҳнат сарфланса, асраб-авайланса, қадрига етлеса, бойлик устига бойлик қўшиливеради. Бозорларга эса тўкин-сончилик, барака, арзончилик кириб боради.

Гап баҳоиси дуру жаҳондор билан ўлчанмайдиган ер ҳақида борар экан, юракда оғрик пайдо қилувчи янғили манзаралардан ҳам кўз юмолмаймиш. Маълумки, Андижон мамлакатимизда майдон киёклиги, аҳолийн зичлиги жиҳатидан олдинги ўринларда туради. Виллоят марказида давланган паловини унинг хоҳлаган чегарасигача олиб борсангиз совмайди. Бир томони Фарғонанинг Қува, яна бир томони Қирғизистоннинг Бозорқўрғон билан Маданиятта бир чойнак чойини ичиб бўлганга бемалол етиб бориш мумкин. Демак, суғориладиган уюмдор экин майдонларини ҳамма кам самарали фойдаланаяптими, ер ўз эгасини топаётганини, унга бўлган муносабат қандай деган саволлар ҳаммаш қан тартибда турмоғи лозим бўлади. Қанчалар аччиқ бўлмасин, тан олиб айташ керакки, виллоятнинг айрим жойларида ердан ҳўжаларча фойдала-

нилмоқда. Нўноқ, ношуд раҳбарлар, уквсиз мутахассисларнинг касрига ердан фойда олиш ўрнига зийн қўрилмоқда. Жаловқудум туманидаги «Ғайрат», Пахтабодум туманидаги «Ўзбекистон», Бўя, Улуғнор туманларидаги асарқит ҳўжалиқлар йилни лабга уққ тошадиган катта зийн билан аяқулади.

БИЗНИНГ ШАРҲ: ўтган йили виллоят бўйича 11та ҳўжаликда пахта тайёрлаш йиллиги режаси барбод этилди.

Виллоятда ердан фойдаланишнинг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширувларда ҳўжалқларга экин экин учун ажратилган ерлардан гаразли мақсадларда фойдаланиш ва уни талаб-тороқ қилиш ҳоллари мавжудлиги аниқланди. Маълумотларга қараганда, бундай ноҳўш ҳолатлар виллоятнинг Балиқчи, Улуғнор, Марҳамат ва Пахтаобод туманларида кўп бор содир этилган.

Кейинги пайтларда виллоятда ёнлиги-мойлаш маҳсулотларини сотишга мўжжалланган АЕКШлар қуриш авж олиб кетди. Ораси ҳеч қанча келмайдиган Андижон-Маданият оралиғида бугун 7 та АЕКШ мавжуд. Яқинда айнан шу йўналишда Андижон туманининг Қўшарик даҳасида ана бир ёнлиги-мойлаш маҳсулотлари сотиш шохобчаси қуриш учун фатво берилди. Ёмгирдан кейинги қўшарикдайд бири-кетин пайдо бўлаётган шохобчаларини Пойтў-Қўшқўприк, Андижон-Асака оралиғидоги йўллар бўйида ҳам учратиш мумкин. Шу ўринда халқи савол туялади: аввалдан фаолият кўрсатиб келаятган бу хилдаги шохобчалар бенин таъқилиги тўғрисида бир кун ишласа, бир ой бекор турган ҳозирги

пайтда янгисини қуриш шартмикин? Ахир, АЕКШлар ҳамма вақт бензин билан етарли микдорда таъминланмапти-ку? Бунинг устига, улардан айримлари қуриш учун мўлк қилиб сотиб олганлар четдан бензин олиб келишининг уддасидан бирдай чиқа олмаётдилар. Шундай экан, унумдор ерларни бекордан-бекорга банд қилиш ўрнига мавжуд АЕКШлардан самарали фойдаланиш ҳақида ўйлаб қўрилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Беш-олти йил муқаддам қатор туманларда «АПТЕКС» тизимига кирувчи йирик корхоналар қурилиши бошланган эди. Ҳар йили 20-25 гектар суғорилмаган ерларни ишғол қилган ана шу қурилишлар маблағ етнатишнинг тўфайли бирдан тўхтаб қолди. Бу ҳол қанча давом этади, ҳеч ким билмайди. Пойтў-қўшқўприкда ҳамда Андижон туманидаги халқини боқиб, кийинтириб келаятган гектарлар ерларда бўғун қўнқа бўй чўзиб турган темир-бетон ўстунларини қўриш мумкин. Қурилишни ҳам, қўйишни ҳам бийлайдиган ҳолд шундаки, ўша корхоналарга ажратилган ўнлаб гектар ерлар бекордан девдорлар билан ўраб ташланган. Девдор ортидаги қанчадан-қанча текисликлар йиллар давомида сарик чақалик над келтирмади бекор этилди. Ўша майдонларни шартнома асосида биров тадбиркор деҳқонга топшириб дон, ҳеч бўлмаса қорвоқ учун озқула олиш мумкин эмасми? Бу ҳақда ким қайғуради? Зеро, ер ҳақидаги кодексда унда самарали фойдаланишга даъват этилгандир.

Ҳа, ер ҳеч манбаи бўлган бебаҳо бойликдир. Унинг ҳар бир қизим тўғрисида тирик мавжудотни озиклангандир, инсониятнинг ризик-нисабасини бун қилади. Ошқ хорқондан қалган ватақдошларимиз ана эваминимизнинг тўп-роқини қайта-қайта қўзга сурганларини ва қайтар қўзга да бир ҳовуддан олиб кетаётганларини қўрқамиз.

Еримиз ана шундай азия ва муқаррам. Унинг қадрига етмоқ, асраб-авайламоқ, умрини бекорга ўтказиб уюлға қолмаслик ону бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Одналиев ШОДМОНЛИВ, «Халқ сўзи» мухбири.

1-модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудда чет эл инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилайди.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чораларни шакллантириш;

чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларининг айрим тоифалари учун қўшимча кафолатлар бериш шарт-шароитларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилаш.

2-модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини бериш ва уларни ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартомасида чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқро шартонома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудда инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси халқро шартомаларининг амалга оширилиши таъминлашнинг ҳисобга олган ҳолда фуқаролиги, яшаш жойи, диний эътиқоди, иқтисодий фаолияти қаррала амалга ошириладиганлигига, шунингдек инвесторлар ёки инвестицияларнинг қайси мамлакатга мансублигига қараб чет эллик инвесторларнинг камситилишига йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатлари, шу жумладан идоравий норматив ҳужжатлар, агар уларнинг ижроси чет эллик инвесторга ёки чет эл инвестицияларига зарар етказса, улар орқага қайтиш кучига эга эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш саноида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтида бўшлаб ўн йил мобайнида қўлланилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига қўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Чет эл инвестициялари, аввало хусусий инвестициялар бўйича барча шартомалар, улар бажарилишининг қатъий кафолатларини таъминлаш борасида, Ўзбекистон Республикаси Хукумати таъинлаб берган тегишли органларнинг назорати остида туради.

Давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида мувофиқ амалга оширилаётган ҳужжалик фаолиятига аралашшига ҳаққи эмас.

Давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ўзларининг қонуний ваколатларидан фойдаланиш пайтида чет эллик инвестор қонун ҳужжатларини бузганлигини аниқласалар, улар фақат ваколатлари бўлган ҳада муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бево-ситга боғлиқ чораларнигина қўришиши мумкин. Давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан чет эллик инвесторнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашини ёки фаолиятини чеклаб қўйиш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Ушбу модда халқро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга бево-ситга боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, уларга қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишга нисбатан таъбиқ этилмайди.

4-модда. Чет эллик инвесторларга берилмаган қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари

Чет эллик инвесторларни ҳимоя қилишнинг умумий кафолатлари ва чоралари билан бир қаторда қонун ҳужжатларида қўшимча, шу жумладан шериклар томонидан чет эллик инвесторлар олдидаги ўз мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминловчи кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида

Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда, яъни: барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётида илгор тузилмавий ўзгаришлар руй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритиладиган; республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамлашни ва кенгайтишни, республика жаҳон ҳўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритиладиган;

амалга оширилиши ҳомашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритиладиган берилиши мумкин.

Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан кафолат беришни, инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлашда қўмаклашишни, махсус солиқ ва тўлов режими яратилиши, лойиҳалар рўёбга чиқарилишининг давлат мониторинги амалга оширилишини ҳамда қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа чораларни ўз ичига олиши мумкин.

Қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари чет эллик инвесторларга Хукуматнинг махсус қарорлари билан берилиб, уларда, хусусан, чет эл инвестицияларини киритиш, ишлатиш ва уларнинг ўрни қоплашини таъминлаш шартлари ва тартиби назарда тутилади.

5-модда. Давлат мулкига айлантиришдан кафолатлар. Реквизицияларни амалга ошириш шартлари

Ўзбекистон Республикасидаги чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилмайди.

Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг бошқа активлари реквизиция қилинмайди, табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотия ҳоллари бундан мустасно.

Реквизиция тўғрисидаги қарор: кўрсатилган ҳоллардан келиб чиқувчи вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган инвестициялар ёки бошқа активларнинг энг кам миқдори; қамситилмайдиган асосда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган; етказилган зарарга монанд равишда тоvon тўланадиган реквизиция бўйича, талабларга риоя этилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Давлат кўрсатиб ўтилган тоvon тўловлари ўз вақтида амалга оширилишига кафиб бўлади.

Чет эллик инвестор суд ва ҳакамлик тартибда қуйидагилар бўйича, хусусан: реквизицияни амалга ошириш учун қўлланаётган мақсаднинг қонунийлиги; реквизиция миқдори; реквизиция қилинадиган инвестициялар ва бошқа активлар баҳоси; тўлашни керак бўлган тоvon тўловларининг мослиги; реквизицияни амалга ошириш пайтида давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари риоя қилган тартиб юзасидан баҳаланишига ҳаққи.

6-модда. Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари

Чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари чет эллик инвесторнинг хоҳишига қўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларида мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга: Ўзбекистон Республикаси ҳудудда, шунингдек ундан ташқарида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисобварақалар очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш; чет эл валютасида соудалар олиш ва уни қайтариш.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳисоб-варақаларидаги маблағлардан фойдаланишни чеклаш ёхуд маб-

лағларни мажбурий олиш давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

7-модда. Маблағларни ўтказиш кафолатлари

Чет эллик инвесторларга чет эл валютасидаги пул маблағларини Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида, улар солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шарти билан, бирон-бир чеклашсиз эркин ўтказиш кафолатланади. Бундай ўтказишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

чет эл инвестицияларини сақлаб туриш ёхуд кўпайтириш учун бошланғич ва қўшимча суммаларни; инвестицияларни амалга оширишдан тушган даромадларни; етказилган зарарни қоплаш учун тоvon сифатида ушбу Қонунга мувофиқ олинган маблағларни; шартомаларни ижро этиш тартибда амалга оширилган тўловларни;

чет эл инвестицияларининг ҳаммасини ёки бир қисминини сотишдан келган тушумни; низоли қал қилиш, шу жумладан суд ёки ҳакамликнинг ҳар қандай ҳал қилув қарори тўғрисида қилувчи тўловларни; ҳодимларга тўланадиган иш ҳақини ва бошқа тўловларни; қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа мабғалардан олинган маблағларни.

Халқро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, давлат чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эллик инвестор — жисмоний шахс содир этган жинсий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг ҳал қилув қарорига мувофиқ маблағларни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарури бўлганда чет эллик инвесторнинг маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шароитида ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туриши мумкин.

8-модда. Инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Чет эллик инвестор инвестиция фаолиятини тўхтатганидан кейин инвестиция фаолиятини тўхтатиш натижасида олинган ўз активларини, чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун зарар етказмаган ҳолда, пул ёхуд натура шаклида ўз мамлакатига эркин қайтариш ҳуқуқига эга.

9-модда. Очيق ахборотдан эркин фойдалана олиш

Чет эллик инвесторлар ўзларининг манфаатларига бирон-бир

тарзда дахл қилувчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан идоравий норматив ҳужжатлар, шунингдек суднинг ҳал қилув қарорларидан эркин фойдалана олишлари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бево-ситга назарда тутилган ҳолларда эса — бундай ҳужжатлар эълон қилиниши шарт.

Давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари чет эллик инвесторларнинг сўровларига қўра уларни қизиқтирган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда беришлари шарт.

10-модда. Низоларни ҳал қилиш

Чет эл инвестициялари билан бево-ситга ёки билвосоита боғлиқ низо (инвестицияга оид низо), тарафлар келишувига қўра, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилиши мумкин. Агар тарафлар келишилган ҳал қилувга эриша олмадилар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқро шартомаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

Инвестицияга оид низога жалб этилган тарафлар ўзаро келишувга қўра бундай низога қўриб чиқувчи органини, шунингдек инвестицияга оид низо бўйича ҳакамлик судловини амалга оширувчи мамлакатни аниқлашлари мумкин.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуддаги инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мувофиқ ҳал қилинади, шартономада низоларни ҳал қилишнинг халқро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ўзга тартиби назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

11-модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, чет эллик инвестор етказилган зарар учун суд тартибда шунга монанд тоvon олиш ҳуқуқига эга.

Давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи норматив ҳужжатлар қабул қилинган тақдирда, шунингдек улар чет эллик инвесторларнинг ҳўжалик фаолиятига гайриқонуний аралашган ҳолларда етказилган зарар шу органлар томонидан суд тартибда қопланади.

Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мансабдор шахслари белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

12-модда. Ўзаро зил қоидалар

Мазкур Қонуннинг қоидалари билан Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқро шартомалари ўртасида бирон-бир номувофиқлик бўлган ҳолда, чет эллик инвесторлар учун бирмунча қўлай бўлган қоидалар устувор кучга эга бўлади.

13-модда. Қонуннинг илгари амалга оширилган инвестицияларга нисбатан қўлланиши

Мазкур Қонун кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган чет эл инвестицияларига нисбатан, мазкур Қонуннинг чет эллик инвесторга кўпроқ қўлайлик яратиб берадиган қисминга қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилисин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 30 апрель.



Ишон ўзи бажараётган ишдан қониқиб ҳосил қилса чарчамайди. Балки бутун кечанидан, эртага бутунгидан қўра серурум ишлаганга ҳаракат қилади. Негаки, меҳнати тўғрисида келган даромад орғида рўзгор бугунгидек дастурхон тўқийоти бор.

Сурхондариё вилоятининг Шўрчи тумани марказидаги пахта тозалаш заводига йил-ўн йил ой иш бир маромада кечинган ҳам ана шу манфаатдорлик сабаб бўлса, ажабмас. Завод ишчилари ўз режа-топшириқларини орғин билан бажаришга олданинган. Шу боис ҳам жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида 2000 тоннадан зиёд тоза қайта ишланб, чет эллик ҳамкор буржумчиларга етказиб берилди. Бу муваффақиятларда заводдан ҳар бир ишчи-ҳазматчининг алоҳида ўрни бор.

СУРАТЛАРЛА: илгор ҳайловчи Эркин Пардаев; тажрибали ишчи Нурон Қоракўлова.

Р. СОДИҚЗОДА олган суратлар.

Халқимизни авайлаб-асраб, пухта ўйлаб, зиммамиздаги улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда иш тутамиз.

ИслоM КАРИМОВ

Тарих, бундай қарасангиз, «йиллар» ва «давралар» деган тушунчалардан иборатдек. Баъзан бир йилнинг ўзи халқ ҳаётида катта бир даврни ташкил этади. Мамлакат неча-неча аср мобайнида бир-икки боргина шундай шиддатли ривожланиш босқичини бошдан кечирishi мумкин.

Журналист ва сиёсатшунос Нарзулла Жўраев яқинда чоп этилган «Атар оғоҳ сен...» деган асарига ҳозирги замонни ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳаётидаги учинчи Ренессанс даврининг бошланиши деб ҳисоблайди.

Туронзамин илгари икки бор ана шундай буюк кўтарилишнинг гувоҳи бўлган. Биринчиси — IX-X асрлар, иккинчиси — темирйиллар ҳукмронлиги йиллари. Ана шу улғур тараққиётлар юз берган кезларда биз яшаб турган шу муқаддас туپроқ жаҳоннинг энг олди гўшаларидан — сиёсат, иқтисодиёт ва маънавиятнинг марказларидан бири эди. Одамга, унинг яратувчилик салоҳиятига ўша замондаги юксак андозлар асосида баҳо берилган. Анқироғи, бошқалар ривожланиш мезонларини бизга қараб белгилаганлар.

Бироқ денгиз йўлининг очилиши, шу тўғрисида Буюк Ипақ йўлининг ўз аҳамиятини йўқота бориши, босқинчилик урушлари, ўзаро қирғин-биротлар, мустамлақачилик иштибодлари Туркистон халқларининг жаҳон умумравнақидан ортда қолишига олиб келди.

Истиқлол куллик занжирларини узиб ташлади. Дунё харитасида Ўзбекистон деган давлат пайдо бўлди. Биз дунё билан ўз эркимизча боғланиш ҳуқуқига эга бўлдик. Биргина даяил келтирсак, 1992-1997 йиллар мобайнида Президентимиз хорижий мамлакатларга 62 бор давлат, расмий ва амалда сафар қилди. Демак, инсоният тараққиётида бугун қанчалар илгарилар кетганини қўриб-билиб туриб, ИслоM Каримов қатъий ишонч билан: «Ўзбекистон — келажак буюк давлат!» — деб баралла айтди. Бу шунчаки таъриф эмас. У бугун Ўзбекистон олдида турган улғур мақсад, халқини ҳаракатга келтирувчи, уни рўзлан-тирувчи кучли ва пухта ғоя.

ИслоM Каримовнинг истиқлолни эълон қилган лаҳзасидан буюнги бугун ҳаёти ана шу бағоят улкан мақсадга интилиш билан ўтган. Биз давлат ва жамият тараққиёти шахсларга қанчалар боғлиқ эканининг гувоҳи бўлиб келямиз.

Шахсага баҳо беришнинг йўл-йўриқлари, мезонлари жуда кўп, улар ниҳоятда тур-

ли-туман ҳам. Инсон, шахс, арбоб тушунчаларининг ҳар бири алоҳида таъриф ва таҳлил талаб қилади. Аммо шунинг дадил айтиш керакики, шахсининг шахслиги тарих унинг елкасига юксатган юк, анқироғи, унинг қандай масъулиятларни зиммасига олгани ва уларни қандай удалагани билан белгиланади. Шу маънода бу яқин асрларда ўзбек миллатининг бирор вақили зиммасига ИслоM Каримов бажараётган вазифа юксатган эди.

Халқ ўз йўлбошчиси қиёфасида асрлардан бери тугун бўлиб ётган орзуларни ечимларини қўрди. Мамлакатнинг биринчи Президентини сифатида ИслоM Каримов том маънода жаҳон майдонига халқнинг иродалини ифодалади.

Бу миллат тарихи учун таъмоман янги ҳодиса. Чунки XX асрнинг энг буюк воқеаси — Октябрь инқилоби, деган ёлғон даъвога ҳаммамиз ишониб қолган эдик.

Аслида, сўнги юз йилликнинг энг буюк воқеаси — миллий давлатларнинг пайдо бўлиши.

Биз миллий давлатига эга бўлиш билан ўзбек халқи ҳам замонамизнинг ана шу буюк воқеасига дахлдорлик қилди.

Ҳеч қачон, ҳеч ерда янги давлат ўз-ўзини ёки бирдангина қурилан ёки тақомиллашган эмас. Бу узоқ давом этадиган

ва жуда катта мураккабликлар билан амалга оширилган жараён.

Хўш, бу жараённинг қандай амалга ошиши нималарга боғлиқ? Уни ким бошқаради? Йўналишини ким белгилайди? Бунда нималардан келиб чиқилади? Ўзига ҳос дастур асосида иш қўришининг зарурати ниспола, масъулият қандай? ИслоM Каримов жараённинг ҳаёт талаби билан тадрижий равишда тақомиллаша боришига қай

заковат, чидам-барлош, донолик ва албатта, буюкларга ҳос меҳнат-машаққат чекиш зарур. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, тарих аҳоли қўлидаги мол-мулкни қурол кучи билан зуравонларча торғиб олиб, давлат мулкига айлантириш сиёсати иш қўришининг зарурати ниспола, масъулият қандай? ИслоM Каримов жараённинг ҳаёт талаби билан тадрижий равишда тақомиллаша боришига қай

экан, демократик режим ҳаёт тарзига айланиши шубҳасиз» (50), — деб ёзади.

Айни шундай — миллат учун туб қўриқларда даврида кучли ва қатъий шахс раҳнамоллигига муҳтожлик катта бўлади. Давлат ва халқнинг тажрибасини бир қарра қўрган-у, лекин давлат мулкни хусусийлаштириб, эркин бозор муносабатларига асосланган тузум пайдо қилиш тажрибасини

бошдан кечирмаган. Мабодо, муайян тажрибадан бўлганда ҳам эди, Ўзбекистон учун бу жиҳатдан, барибир, қанчадан-қанча ўзига ҳос муаммоларни ечимининг илгари ҳаёт юрлиман йўлларини топишга тўғри келарвер эди.

Шўролар замонидан мерос қолган тоталитар сиёсий режим ўрнига давлат бошқаруви жорий қилинди. Чунки И. Каримов фикрича: «бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда, кучли ҳокимият зарур. Бизда амал қилётган Президентлик — Республика бошқаруви — аслида, демократик сиёсий режимнинг бир қўриғини. Н. Жўраев АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция тажрибаларидан келиб чиқиб: «Ўзбекистонда ҳам давлат бошқарувининг қайси усули ўрнатилмасин, мақсад ва интилиш демократия



МАЪВУЛЛИК



Хар бир ишга масъулият билан ёндашиш, табиий-ки, ишга унум, рўзгорга баракка киритиши. Пон туманидаги «Тулпор» фермер хўжалиги раҳбари Отабек Фаёзнинг қўлга киритган муваффақиятлари ҳам ўз ичига бўлган масъулият сибоб десак, хато бўлмас.

ришни ҳам унутмайди. Хўжалик деҳқонлари ўтган йилги 230 гектар майдонга чорва учун озукабон экинлар экишганди. Айни пайтда экинлар ўрним ажизда.Эл-юрт дастурхони тўқинлиги йўлида меҳнат қилган Отабек Фаёз бош-лик жамоанинг энгу ништариди.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) О. Фаёз отаси Алжон ака билан бамаслаҳат иш қилди. Ўрним ажизда. Тоҳиржон ХАЙИТОВ олган суратлар.

ҲАМЁНДА САРМОЯНГИЗ, МИНАРГА МАШИНАНГИЗ, ЯШАРГА КОШОНАНГИЗ БЎЛСА-Ю...

лекин атрофдагилар назаридан қолсангиз

МУЛОҲАЗА

Ҳа, бундан Худонинг ўзи асрасин. Чунки ҳамма нарсани, жумладан ўша «иномаркани» ҳам, ўша кошонани ҳам сотиб олас бўлади. Дунёда фақат бир ноёб нарсаси бор — у соғилмайди, пулга тоғилмайди, уни зўрлик билан олиб бўлмайди, фармоиш ва буйруқлар ёрдамида, ҳатто таниш-билишлар кўмагида ҳам унга эришиб бўлмайди. Унинг номи олдий ва содда — ОБРЎ-ЭЪТИБОР, ИНСОНИЙЛИК!

Одам дунёга келар экан, ақлини танигач, инсонга ўхшаб яшашга интилади, елади-югуради, баъзан эса хузур-ҳаловатдан ҳам воз кечди. Бунга тўғри тушуниш керак. Шу чеккан захматлари эвазига, агар юқтирган бўлса, кимдир ниётига етади, кимдир...

Файзилдахон деган кўшимиз бор. Умири ошқона ва чойхоналарда хизмат қилиб ўтиди. Отаси раҳматлик Набиҳон ака ҳам шу касбда ишлаб, рўзгор тебратган. Ўғиллари кулоғига доим ушбу гапларни қуйгани-қуйгани экан:

«Уэйли, Худо сиз билан бизга кишиларга хизмат қўришти хунарини олаётди. Шу боис ҳақ вақт ўхранила-харидордан баланд келаман дематин. Бунинг устига унинг дилини оғригати. Неҳунки, насибинг алақ туйғили. Ҳамёнида баракка берадиганлар ҳам аслида ўшалар. Эсингда бўлсин, ёдингдан чикармагин — бола-чақангни-да ризиқ алақ бўйнида, ўшалар борки, сен рўзгор тугасан, турмуш ўтказасан.

Қаранг, бир олдий ошпаз одам ҳаётни кузатиб, қанчалик чуқур фалсафий хулосалар чиқарган. Набиҳон ака демокчилар, кишилар бир-бирига боғлиқ, бир сабаб бўлиб, иккинчиси кун ўтказди, ҳамма ўзаро манфаатдор. Кишилик тараққиёти, ҳаёт санъати қойил қолмай мўлоҳиғи йўқ. Турмуш тарзи шундай яратилганки, агар муҳаббат қилиб қўрисангиз, ҳайратланмай қолмайсангиз, беҳиётир тасанно деб юбора-

етгач, қариялар Неъмунжонга бўлаётган нохуш ишларни ётиги билан айтишган экан, «Хе, бориб кимга арз қилсанглар қўлаверинглар, мана тўрт томонингиз қўйла. Ҳокимга чиқасизларми, ундан каттароғи бўрасизларми — ихтиёр ўзингизда. Менинг ҳеч кимдан тил қўриғилик жойим йўқ. Сизлар дарвозангизлар ичига хўжайинсизлар, бу ерларнинг хўжайини менман, уларни сотиб олганман», деб жавоб берди.

ИСЛОҲОТ МЕВАЛАРИ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бу — ички имкониятларини ишга солиш, хорик сармояларини жалб этишди, — дейишмоқда навоийлик цементчилар.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 17 та йирик саноат корхонаси фаолият қўришмоқда. «Қизилқумлик», «Қизилқумцемент», «Қизилқумкиме» шулар сирасига кирди.

Собиқ Иттифоқ тарқалиб кетган, бошқа саноат корхоналари сингари «Қизилқумцемент»ни ҳам иқтисодий танглик ўз гирдобига тортди. Завод ҳовлисида ўн минг тонналик қўриқ «нони» тўпланиб қолди. Утга чиқарилаётган пишшиқ ва цемент ишлаб чиқаришда асқотганини темир қилиши ва бошқа зарур хомашё тақдидини тўғрили қўйириш печларининг акариятли ёпиб қўйилди.

Шундай мураккаб бир шароитда тажрибали муҳандис, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты Уктам Рузавуллов заводнинг бош директори этиб тайинланди. «Бирини кўриб қўй қил, кўнни кўриб зикр қилдандаридек, у ишни кадрларини жой-жойига қўйиш, меҳнат инги-зомини мустаҳкамлаш, ишчи-хиз-

матчиларга старди шароит яратиб беришдан бошлади. Хуусан, раҳбарлик ва ишбилармонликка ўзига хос тажрибига эга бўлган Борис Сон, Тошпўлат Болтаев, Барно Рустамов, Баҳриддин Назаров каби мутахассислар унинг тавсияси билан бошқарув тизимига ишга олинди. Бош директор, шунингдек, бу мутахассисларга суянган ҳолда испаниялик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Печ ва печларга замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Дароматда яраша буромал деганларидек, ишлаб топишган маблаг турар жой бинолари, соғломлаштириш пунктлари, болалар болчалари қуришга сарфланяпти. Қўлаб турда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган кичик корхоналар барпо этилмоқда.

Янги технологиянинг афзаллиги фақат шулардангина иборат эмас.

Янги технологиянинг афзаллиги фақат шулардангина иборат эмас.

Музаффер ШАРОПОВ, журналист.

Пешку туман «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни чуқурлаштириш, миллий анъана, урф-одатларини кенг тарғиб этиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Марказ йил бошидан белгиланган режа асосида туман хўжаликларидега қатор учрашув ва мулоқотлар ўтказди.



СУРАТДА: марказ тарғиботчиларидан бир гуруҳи. Ж. ҲАЙИТОВ олган сурат.

Президенти — тамоман янги даврда майдонга чиққан ноёб ҳодиса.

Президент шу пайтгача деразди эътибор қилинмаган, ўта ноёб миллий ҳусусиятларимизни топиб, уларга давлат нуқтани назаридан келиб чиқиб қарайди. Шунда сезиб-сезмай амал қилиб юрганмиш кадрларлар моҳиятдан улғайишга кетади. Турри қайда этилганидек, «Президент И. Каримов медалитети мамлакатта номи бе-

лқини улғу гоя атрофида бирлаштириб, ёруғ келажак сари етаклаш салохиятига эга, сибсатла шарқона донишмандлик ва гарбона аниқлик билан иш қўриданган йўлбошчи кишилик қўлар — хуусан, бизни хуш кўрмайдиганлар учун қўлилмаган воқеа бўлгани рост. Аммо узоқ тарихимизни, буюк раҳнамоларнинг, локал соҳибқирин боёмизни — Амир Темирнинг кўз олдимизга келтирсак, бугун ўзбек жаҳон сиёсий май-

Жураев тўғри қайд этганидек: «Сибсатсунослик, иқтисод, ҳуқуқ ва давлат қурилиши соҳасида қилинаётган ишлар хозирги инқилобий ўзгаришлар шиддатидан орқда қолмоқда, улар моҳиятини очиб беришда оқсамоллар» (207). Чунки «Ислом Каримов... ижтимоий фанлар тараққиётида аниқ илгарилар келти» (207).

Яна бир гап. Ҳар қандай даврнинг ўз идеялари бўлади. Ҳар бир замон ўз фидойилари, ватанпарварларини яратди. Халқ шунга интилиб, ўшандай бўлишга ҳаракат қилиб яшайди. Алломишлар, фарқоллар, отабеклар адабиётимизда ўз-ўзидан пайдо бўлган тимсоқлар эмас.

Тўрақўрғонлик уруш ногирони, кўп йиллар муаллимчилик қилган меҳнат фахрийси Муҳиддинхон Хуусан билан суҳбатлашиб қолдим. Бир гапни кўп давраларда, хуусан, ёшлар ўртасида қайта-қайта такоррлашларини айтдилар.

Ялли олиб қаралса, талқиқотла миллий давлат қуришда сиёсий лидернинг ўрни масаласи ёритилган. Муаллиф Президентимизни жаҳоннинг Жорж Вашингтон (АҚШ), Аҳмад Сукарно (Индонезия), Жаҳархалил Неру, Махатма Ганди (Ҳиндистон), Жамол Абдул Носир (Миср) каби сиёсий арбобларига қўйилади. Шу рўйхатта Мустафо Камол Ота Туркини ҳам қўйса бўлади. Ахир, буларнинг бари ўз миллий давлатларига асос солган йўлбошчилар эди-да.

ҒУРҲУР ҲИССИ

риланг туб миллат менталитети билан уйғуллиниб кетган» (42-бет). Шунинг учун китобда Ислом Каримов қиёфаси мустақил Ўзбекистон қиёфаси янглиг таълиқлаштирилди.

Хуш, Президент мамлакатдаги ислохотлар ташаббускори ва ташкилотчиси бўлса, у назарийтоми ёки амалиётчиси? Тап-тайёр назария-ку йўқ. Китобдаги таъриф билан айтганда, Ислом Каримов «назария ва амалиётни уйғуллиштира олган олим» (14). Шунинг учун ҳам у «ўз сифатларини ва яқин ўтмишдошларидан кескин фарқ» қилади (14).

донида ўз сўзи ва мустаҳкам маъкеига эга бўлишга ҳар тарафлама ҳақли эканини ҳам англаймиш.

Очили, бир асрдан зиёд мустақиллик зулими остида яшаган халқ вақилидан бу қадар қатъиятли, ўз гоёсида собит тура оладиган, жаҳоннинг ҳоҳлаган сиёсат арбоби билан тенгма-тенг гаплашадиган, юксак бошқарув санъати, шунингдек, ха-

бу — Президент ва халқ муносабатларининг бир жиҳати, ҳоло.

«Агар оғоҳ сен...» аини шу жиҳати билан жуда қадрли. У: «Ўзбекистон кеча қандай аҳволда эди, бугун нималарга эришди ва эртага қандай даражада етмоқчи?» — деган бир-бирига узвий боғлиқ саволларга кўп жиҳатдан жавоб бериб ўтди. Бунга билниш бугун шунчалар муҳимики, ислохотларнинг тақдирини, демек, Ўзбекистоннинг келажакни ҳар тарафлама шунга бевосита боғлиқ. Ахир, жамиятнинг ким ўзгарилади? Одамлар! Бунинг учун, аввало, одамларнинг онги ўзгариши керак-да. Мамлакат ақлининг онг-тушунишасини Президент гошларига яқинлаштирмай туриб асл мақсадга етиш амри маҳол. Амалдаги аҳвол эса талаб даражасида эмас. Нарзулла

миллионларча ўзбекистонликлар ниятларига мос келадди. Чунки Президент фаолиятини асл моҳиятини англамай туриб бугунги Ўзбекистонда кечаётган тарихий жараённинг фаол иштирокчисига айланмиш қилин.

Даврлар ўтади, истиқлолчиликнинг дастлабки йиллари, уларда кечган мураккабликлар, содир бўлган қатъие вазиётларда бошиқ ва оқилона юргизилган сиёсат, мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлиги йўлида чекилган захматлар ва уларнинг самараси ҳақида жилд-жилд китоблар, саҳифа-саҳифа тарихлар битилади. Н. Жураев, ўғмиш тажрибаларига қўйишга айтганда, бир қадар шиддат билан давом этаётган ана шу ўтиш даврини жараённинг ичида туриб ёритади. Яқин ўтмишнинг қаламаги олиш ҳам-иша ҳам мушкулроқ кечади. Шунга қарамай, муаллиф бу вазифани яхши адо этган. Асарини қай бир маънода истиқлол даври солномаси дейиш мумкин. Китобга мустақилликнинг олти (1992-1997) йили асосий воқеалари рўйхати илова қилинган ҳам беркорга эмас.

1991 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон осмонда янги кўёш порлади. Шундан бугунги давр миллий тарихимизнинг энг ёрқин саҳифалари ҳисобланади. Шу маънода портретта чиқарилган тарзда битилган бу сиёсий эссе шу маънодаги тадқиқотларнинг дастлабки қиларидан бири, ҳоло. У Ислом Каримов ҳақида бошқа жанр ва ўзга услубда бундан буюн ёзилажак асарларга йўл очади.

Китоб Президент сиёсатининг халқ ич-ичига кириб боришига хизмат қилади. Султонмурод ОЛИМ.

Advertisement for 'ARAB SAVDO KURGAZMASI' (Arab Trade Fair) featuring logos for 'ARAB SAVDO KURGAZMASI', 'NEW FLUIDS', and 'UzExpo Centre'. Text includes contact information and dates for the event in Tashkent.

